

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ–БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Ибодуллаева Зумрад Ибодуллаевна

Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 4 сон ИИБ ХҚМБ инспектори лейтенант

Аннотация: *Ушбу мақола орқали муаллиф вояга етмаганлар тушунчаси, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги, ёшлар тушунчаси, ёшлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги, ёшлар ўртасида кўп кузатилаётган салбий иллатлар, ёшлар ўртасида вужудга келаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора тадбирлар, келгусида ёшлар жиноятчилигини олдини олиш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни келтириб ўтган.*

Аннотация: *В данной статье автор раскрывает понятие несовершеннолетних, подростковой преступности и преступности, понятие молодёжи, молодёжной преступности и преступности, негативные заболевания, которые часто наблюдаются среди молодёжи, профилактические меры, направленные на предотвращение правонарушений и преступности среди молодёжи, а также предложение по предотвращению молодежной преступности в будущем и высказал свои комментарии.*

Annotation: *Through this article, the author explains the concept of juveniles, juvenile delinquency and criminality, the concept of youth, youth delinquency and criminality, negative diseases that are often observed among young people, preventive measures aimed at preventing delinquency and crime among young people, and a proposal for preventing youth crime in the future. and made comments.*

Ўзбекистон Республикаси дунё миқёсида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган, бутун дунёга ўз сўзини айта оладиган давлатлар қаторига киради. Давлатнинг келажаги биз ёшлар қўлида. Ёшлар-келажак пойдевори! Аммо шунга қарамасдан Республикамизда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар йилдан йилга ошиб бораётганлиги ачинарли ҳол. Ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатини таҳлил этадиган бўлсак, Республика миқёсида жами 49 541 та жиноят содир этилган бўлса шундан ёшлар томонидан содир этилганлари бу кўрсаткичнинг 00 қисмини ташкил этади. Шу билан биргаликда ёшлар жиноятчилигининг асосий қисмини ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари ташкил этмоқда. Айниқса бу кўрсаткич Республикамизнинг Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятларига тўғри келади. Шу ўринда вояга етмаганлар, ва ёшлар тушунчасига тўхталиб ўтишимизни шу ўринда жоиз деб биламиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 29 сентябрьдаги ЎРҚ-

263 сон қонунинг 3-моддасига асосан Вояга етмаган-ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс ҳисобланади. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.1 Шу билан биргаликда, ушбу қонуннинг 10-моддасига асосан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида бошқа давлат ташкилотлари қатори ички ишлар органлари ҳам қатор вазифа ва функцияларни амалга оширади. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан (бундан буён матнда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази деб юритилади) иборатдир. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.2

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик тушунчасига тўхталиб ўтдик, энди эса вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик тушунчасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтсак, бу—ақли расо, жиноий жавобгарликка тортилиш ёшига етган вояга етмаганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан таъқиқланган ижтимоий хавfli қилмиш содир этилиши натижасида англашиладиган тушунча ҳисобланади. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар билан жавобгарлик масаласи ҳал этилади.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишда республикада амалга ошириладиган ислохотлар тариқасида мамлакатимиз бўйлаб, Ёшларга оид давлат сиёсати дастурининг ишлаб чиқилиши, айти шу соҳада бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилинганлиги ва ижроси таъминланаётганлиги, Ёшлар ишлари агентлигининг фаолияти такомиллаштирилиб, давлат томонидан мунтазам қўллаб қувватланаётганлиги, ёшлар учун бир қатор кенг имконият ва шароитларнинг яратиб бериладиганлиги, шу билан биргаликда ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида ҳуқуқий тарғибот ташвиқот ишларининг амалга оширилиб борилиши, ИИО тузилмалари таркибида Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психолог лавозимларининг жорий этилиши ва уларнинг ўз фаолиятларини мунтазам ва самарали амалга ошириши кабиларни келтириб ўта оламиз.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш борасидаги профилактика ишларини янада такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифларни тавсия этамиз:

1) Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ташвиқот тадбирларини вояга етмаганлар бўйича мутахассислар жумладан болалар психологлари ва педагоглари билан ҳамкорликда самарали тарзда ташкиллаштириб, ҳамкорликда амалга ошириб бориш;

2) Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг фақат вояга етмаганлар билан ишлашнинг таъминлаш ва уларга юклатилган ортиқча вазифаларни камайтириш;

3) ОАВ орқали ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида ибрат бўладиган видеоматериалларни тарқатиш, ёшлар ибрат соати телекўрсатувлар жамланмасини ишлаб чиқиш ва намойиш этиб бориш;

4) Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик содир этиб, қилмишидан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига ўтган ёшлар ҳаётидан интервьюлар асосида телелойиҳа ишлаб чиқиб маҳаллаларда ёшлар ўртасида уларнинг тарғиботини ташкил этиш.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтишимиз жоиз-ки, биз ёшлар Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида бор куч ғайратимизни сафарбар этиб, бизга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ҳамиша лаббай деб жавоб беришга тайёرمىз. Зеро, келажак биз ёшлар қўлида!